

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 4 февралдаги 03/1-343-сонли топшириғи ижроси юзасидан вилоят ҳудудий комиссияси томонидан ўтказилган инвентаризация якунлари бўйича вилоят ҳокимлигининг 2019 йил 19 мартдаги 02-01/38-сонли йиғилиш баёнига асосан Самарқанд шаҳридаги “Дамарик дехкон бозори” МЧЖни тажриба тариқасида ишончли бошқарувчи(инвестор)га танлов асосида беришга қарор қабул қилинди.

Танлов иштирокчиларига қуйиладиган талаблар:

-Танловда тадбиркорларлар, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ҳамда алоҳида фуқаролар иштирок этишлари мумкин;

-Танлов иштирокчиларининг банкда ҳисоб-рақамлари ва эркин маблағлари бўлиши шарт;

-Танлов ғолибига бозорнинг кредиторлик қарздорлигини қоплаш, жамият аъзоларининг хисса(доля)ларини тўлаб бериш(агар улар жамиятдан чиқиш истагини билдирса);

-Танлов иштирокчиси бозорни реконструкция лойиҳаларини тайёрлаб Самарқанд вилоят қурилиш бошқармаси ва шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда инвестиция киритиши шарт;

-Танлов ғолиби амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, ишчи-ҳодимлар иш ҳақини ҳамда бошқа тўлов(бадал)ларни тўлашга мажбур.

-Танлов иштирокчилари танлов эълон қилинган кундан эътиборан 20 календар кун мобайнида тегишли ҳужжатлар тўпламини Вилоят бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси(манзил Нарпай кўчаси 22-уй)га тақдим этишлари шарт.

Қўшимча маълумот ва мурожаатлар учун телефон рақамлар +99866 2341159, +99893 2324311.